Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

3 апрель, чоршанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 65 (1318)

• *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида*

## ЭЛ СОҒЛИҒИНИ ЎЙЛАБ

***Республика раҳбарияти аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ишига алоҳида эътибор бераётир. Ўзбекистонда биринчилар қатори таъсис этилган орден «Соғлом авлод учун» деб аталганлиги ва нуфузли хайрия жамғармаси ҳам шундай деб юритилишининг ўзиёқ фикримизнинг далилидир. 2 апрель куни Олий Мажлис Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитасида бўлиб ўтган мажлис ҳам ана шу муҳим масалага бағишланди.***

Мажлисни қўмита раиси Г.Йўлдошева олиб борди. Унда соғлиқни сақлаш ишини ривожлантириш концепцияси асосида яратилаётган «Аҳоли соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Бу хусусда республика соғлиқни сақлаш вазири Ш.И.Каримов ахборот берди.

Олий Мажлис қўмиталарининг раислари, депутатлар, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бир қанча жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳамда етакчи мутахассислари иштирокида ушбу ҳужжат хусусида атрофлича фикрлашиб олинди. Бўлажак қонун пишиқ ва пухта тайёрланиши учун ҳамда амалда таъсирчан ишлаши учун соғлиқни сақлашга оид яна бир қатор қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш зарурлиги бир овоздан таъкидланди.

Мажлисда лойиҳа юзасидан билдирилган таклифлар асосида ушбу ҳужжат устида ишлашни давом эттириш ва тегишли янги қонун лойиҳаларини тайёрлашга киришиш зарур деган хулоса билдирилди.

Мажлис ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б.Бугров, Бош вазир ўринбосари Д.Ғуломова, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисдаги вакили Ҳ.Абдураимов иштирок этдилар.

## МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР-КЕНГАШ

***Нукусда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси прокуратура, адлия, суд идоралари ходимларининг минтақавий семинар-кенгаши бўлди.***

Унда Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 февралдаги мажлисида ва халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари олдига қўйган вазифалар муҳокама этилди. Кенгашда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг янги Меҳнат кодексини ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Семинар-кенгаш иштирокчилари Россия Федерацияси Давлат Думасининг собиқ Иттифоқни тиклаш тўғрисидаги қарорига муносабат билдириб, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирининг бу борадаги саволларига жавобларида баён этилган фикрларни қизғин қўллаб-қувватлаётганликларини билдирдилар.

Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбековсеминар-кенгашда нутқ сўзлади.

(ЎзА).



*Фориш туманидаги Мусоқул Оролов номли ширкатлар уюшмасида тоғ ўзанининг паст-баландини яхши биладиган, сурув-сурув қўй-қўзилардан семиз гўшт ва қимматбаҳо қоракўл етиштириш ҳадисини олган чўпонлар жуда кўп. Эсиргап Қўлдошев ана шундай ўз касбининг усталаридан бири. У 48 йилдирки ота касбини эъзозлаб келаётир. Унинг бу йилги ниятлари янада хайрли, отаридаги беш юз бошдан ошиқ совлиқнинг ҳар юз бошидан 120 тадан қўзи олмоқчи.*

*— Яхши ният ярим давлат, — дейди, кулимсираб Эсиргап ака.*

**Нурмамат АЛМУРОДОВ тасвири.**

## ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ХОДИМЛАРИ ФИКР АЛМАШИШДИ

***Қаршида Самарқанд, Навоий, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг минтақавий семинар-кенгаши бўлди. Уни Қашқадарё вилояти ҳокими О. Пармонов бошқарди.***

Кенгашда мамлакатимизнинг шу йил 1 апрелидан амалга киритилаётган янги Меҳнат кодексини ҳаётга татбиқ этиш, тарғиб-ташвиқ қилиш, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш юзасидан фикр алмашилди.

## МУЛКДОРЛАР ТАБАҚАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

***Нукусда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ташаббуси билан уч кунлик семинар-кенгаш ўтказилди. Унда республикамиз барча вилоятлари давлат мулки қўмиталари вакиллари мамлакатимизда мулкдорлар табақасини шакллантириш муаммолари хусусида фикр алмашдилар.***

Мулкдорлар табақасини шакллантириш иқтисодиётни ривожлантиришда, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда, бозорни зарур моллар билан тўлдиришда муҳим ўрин эгаллаши таъкидланди.

Кенгаш қатнашчилари Қорақалпоғистон туманларида бўлиб, контрактация шартномалари самарадорлигини ошириш бўйича суҳбатлар ўтказдилар.

## СТАТИСТИКА ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

***Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари истиқболни белгилаш ва статистика тизими вакилларининг Қарши шаҳрида бўлиб ўтган семинар-кенгаши статистика ва консалтинг хизмати марказлари фаолиятини такомиллаштиришга бағишланди.***

Унда юритиладиган ҳисоб-китоб ишлари самарадорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

(ЎзА).

## ОЛТИН БУ ВОДИЙЛАР — ЖОН ЎЗБЕКИСТОН!

**ТАНДИРДАН ЯНГИ «УЗИЛГАН» ХАБАРЛАР**

### «ЎЗБЕКТУРИЗМ» — БЕРЛИН БИРЖАСИДА

***Берлинда халқаро туризм биржаси бўлиб ўтди. Унда дунёдаги 170 та мамлакат қатнашди.***

Биржа павильонларидан республикамизнинг «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг 25 та туристик ташкилоти муносиб ўрин олганлиги қувончли ҳолдир. Шулардан саккизтаси вилоятлардаги сайёҳлик муассасасидир. Улар ўзларининг 4 мингдан зиёд реклама маҳсулотларини намойиш қилдилар.

### САМАРҚАНД ЧОЙИ — ҲИНД ҚУТИЧАЛАРИДА

***Самарқанд чой фабрикасида Ҳиндистондан келтирилган янги дастгоҳлар ярим йил ичида ўрнатилиб, ишлашга шай қилиб қўйилди.***

Айни чоғда йилига 30 минг тонна чойни сифатли қутичаларга жойлаштириш қурбига эга 26 та ускуна охирги синовлардан ўтказилмоқда.

### ТЕАТР — «ЎЗДЭУАВТО»ДА

***Андижон драма театри вилоят, шаҳар ва қишлоқларда ўз асарларини намойиш қила бошлади.***

Жамоа ўзининг биринчи томошаларини Асака шаҳридаги «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасида кўрсатди.

### СУРХОНДАРЁ БЎЙЛАБ ЁЙИЛЯПТИ

***Нурали Боймуратов номли жамоа хўжалигининг таъмирлаш бригадаларида эҳтиёт қисм, электр энергияси ва ёнилғи материалларини сарфлаш бўйича ҳисоб-китобни ҳар соатда олиб бориш йўлга қўйилди.***

Натижада техникани кўкламги экин-тикинга тайёрлашда кетган хомашё материаллари учдан бирга қисқарди.

Айни чоғда бу жамоадаги иш тажрибаси билан Сурхондарё вилоятининг бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик корхоналари ҳам қизиқмоқда.

### ТАДБИРКОР ПУЛИГА ҚУРИЛДИ

***Бухоро вилояти Пешку туманининг «Пахтаобод» жамоа хўжалигида маҳаллий ишбилармон М. Бозоровнинг пулига қурилган бозор ишга тушди.***

Унинг очилиш маросимида аҳоли олдида таниқли полвон Х. Ҳамроев ва унинг фарзандлари Алибек ҳамда Жўрабеклар ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Тумандаги «Навоий» жамоа хўжалиги ҳам ўз бозорига эга бўлди. Бу ерда дўконлар қурилган бўлиб, яқин келажакда маиший хизмат нуқталари бунёд этилиши мўлжалланмоқда.

### УЧ ЧАҚАЛОҚ

***Термиз туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Обидовлар оиласида бирваракайига уч чақалоқ дунёга келди.***

Уй бекаси Насиба Обидованинг фарзандлари беш нафарга етди.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Қимматли қоғозлар*

## ҚИСҚА МУДДАТЛИ ДАВЛАТ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ИШГА ТУШДИ

***28 март куни Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида дастлабки чиқарилган бир миллиард сўмлик қисқа муддатли давлат облигациялари (ҚМДО)ни жойлаштириш юзасидан кимошди савдоси бўлиб ўтди.***

Молия вазирлиги бу йил жами 4 миллиард сўмлик шундай облигациялар чиқаришни мўлжалламоқда. Кимошди савдосига номинал қиймати минг сўм бўлган бир миллион облигация қўйилди. Уларнинг муомалада бўлиш муддати уч ой.

Марказий банк корхона, ташкилот маблағлари, шунингдек, ўз маблағи ҳисобидан қисқа муддатли давлат облигацияларини сотиб олиш юзасидан дилерлик вазифасини ўтовчи 14 та тижорат банки билан шартнома тузди. Молия вазирлиги бу банкка катта миқдорда сертификат ёзиб берди.

Бозор муносабатлари тақозоси билан акция, сертификат, дивидент каби янги-янги тушунчалар ҳаётимизга тобора шиддат билан кириб келмоқда. Тўғри, облигация сўзи бу рўйхатга кирмайди. Аммо собиқ Иттифоқ ҳудудида бирор киши топилмаса керакки, уч фоизли заёмнинг шалдироқ облигациясини қўли билан ушлаб кўрмаган бўлсин. Лекин ҚМДОни қўл билан ушлашнинг иложи йўқ. У қоғозсиз, яъни депозиторий компьютерлари электрон узатгичларига ёзилган ҳолда чиқарилган. Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси шундай компьютерларга эга.

Қисқа муддатли давлат облигацияларининг дастлабки эмиссиясини муомалага чиқаришга бағишланган брифингда молия вазирининг ўринбосари Абдулла Абдуқодиров бу воқеани Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг янгича йўналиши, дея таърифлади. Давлатимизда инфляциянинг пасайиши билан, деди у, қимматли қоғозлар бозорига сармояларни самарали ишлатиш учун йўлланма бериш имкони туғилди.

Қисқа муддатли давлат облигацияларини муомалага чиқариш учун тайёргарлик кўришга икки йил вақт керак бўлди. Бу давлат қимматли қоғозларини муомалага чиқаришнинг бугун йўлга қўйилган механизми нақадар мураккаб ва кўпқиррали эканлигидан далолат беради. Махсус тайёргарлиги бўлмаган кишилар учун бу янгиликни идрок этиш қийин эканлиги тушунарли. ҚМДОнинг амал қилиш механизми тушунарли бўлиши учун жўн мисол келтирамиз: айтайлик, менга 800 сўм пул зарур бўлиб қолди, бироқ бунча пулим йўқ. Хўш, нима қилишим керак? Бирор танишимдан қарзга оламан ва уч ойдан кечикмай қайтаришни ваъда қиламан. Аммо, қайтарганда 800 сўм эмас, балки 1000 сўм ёки унданам кўпроқ қилиб бераман.

Бугун давлат молия тизимида ана шундай механизм ҳаракатга келтирилган. Фақат фарқи шундаки, қисқа муддатли давлат облигациялари ҳукуматнинг ҳамма активлари билан таъминланган. Агар хусусий ҳаётда менга қарз берган танишим келишилган вақт ўтгунча, сабр-тоқат билан кутса, қисқа муддатли давлат облигацияси муомала бозори янада инсонпарварроқ. Юридик шахслар томонидан сотиб олинган облигацияларни (ҚМДО дастлабки босқичда кўпроқ юридик шахслар ўртасида тарқатилади) исталган вақтда банк-дилерлар ҳар ҳафтада ўтказадиган иккиламчи савдо-сотиқда сотиш мумкин.

Келадиган даромад миқдори кўпчиликни ҳаяжонлантирмоқда. У ҚМДО билан операциялар ўтказиш жараёнида 1996 йилда бир қатор муҳим иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши ҳисобга олинган ҳолда шаклланади. Бунга инфляция суръатлари, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси, банклараро кимошди савдосидаги кредит ресурслари бўйича фоиз ставкалари, муддатли банк депозитлари бўйича фоиз ставкалари киради.

Бир томондан Марказий банк билан, иккинчи томондан корхона ва ташкилотлар билан ҚМДОни жойлаштириш юзасидан шартномалар тузган ва эркин маблағларга эга бўлган 14 та тижорат банки қисқа муддатли давлат облигацияларининг биринчи харидори бўлди. Давлат қимматли қоғозлари улар орқали тизим бўйлаб давом этади.

**В. РУДАКОВА.**

• *Қишлоқда маиший хизмат*





## УЧТЕПАЛИК УСТАЛАР

***Жиззах вилоятининг Учтепа туман марказида «Примқул» кичик корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бу маиший хизмат уйида радио, телевизор ва музлатгичларни тузатиш устахоналари, тикувчилик цехи, пойафзал тикиш ва тузатиш бўлими ишламоқда. Мижознинг уйига хизмат кўрсатиш ҳам ташкил қилинган.***

## КАСАБА УЮШМАЛАРИ БИРЛАШМОҚДА

Наманган вилоятида турли соҳалар касаба уюшмалари кенгашларини бирлаштирадиган мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди.

Янги тузилма меҳнаткашларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга имкон беради. Бу, айниқса, мулк шаклини ўзгартирган меҳнат жамоаларида долзарб муаммо ҳисобланади.

Вилоятнинг ҳар бир туманида худди шундай мувофиқлаштирувчи кенгашлар фаолият кўрсатади.

(ЎзА).

## ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 2 апрелда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

***Сотув ҳажми 21,19 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 37,00 сўм даражасида қайд этилди.***

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 3 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 29,02 |
| 1 Австрия шиллинги | 3,55 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 56,41 |
| 10 Бельгия франки | 12,15 |
| 1 Голландия гульдени | 22,33 |
| 10 Греция драхми | 1,53 |
| 1 Дания кронаси | 6,47 |
| 1 БАА дирхами | 10,07 |
| 1 АҚШ доллари | 37,00 |
| 1 Миср фунти | 10,90 |
| 1 Ирландия фунти | 58,18 |
| 1 Исландия кронаси | 0,56 |
| 10 Испания песети | 2,97 |
| 100 Италия лираси | 2,36 |
| 1 Канада доллари | 27,33 |
| 10 Хитой юани | 0,44 |
| 1 Қувайт динори | 123,66 |
| 100 Ливан фунти | 2,34 |
| 1 Малайзия ринггити | 14,63 |
| 1 Германия маркаси | 24,98 |
| 1 Норвегия кронаси | 5,76 |
| 1 Польша злотийси | 14,30 |
| 10 Португалия эскудоси | 2,42 |
| 1 Сингапур доллари | 26,33 |
| 1000 Туркия лираси | 0,52 |
| 1 Финляндия маркаси | 8,03 |
| 1 Франция франки | 7,33 |
| 1 Швеция кронаси | 5,57 |
| 1 Швейцария франки | 31,04 |
| 1 ЭКЮ | 46,32 |
| 10 Жанубий Корея вони | 0,47 |
| 10 Япония иенаси | 3,45 |
| 1000 Россия рубли | 7,62 |
| 1000 Украина карбованеци | 0,20 |
| 1000 Беларусь рубли | 3,22 |
| 1 Эстония кронаси | 3,12 |
| 1 Латвия лати | 67,52 |
| 1 Литва лити | 9,25 |
| 1 Қозоғистон тенгеси | 0,57 |

****) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан харид қилишда воситачилик ҳақи олинмайди.

**УШБУ СОНДА:**

**2** *ИНСОН САЛОМАТЛИГИ УЧУН*



*БОЗОР — МЎЪТАБАР МАСКАН*

**3**



*ҚУВАЛИК МЕБЕЛСОЗ МУЛКДОРЛАР*

**4** • *Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги танловига*



**СОҲИБҚИРОН ВА ХАЗИНА**



• Қимматли қоғозлар бозори

# МЕБЕЛСОЗ МУЛКДОРЛАР

**Улар 715 нафар бўлиб, ҳар бири 12 минг 364 сўмдан дивиденд олди**

***Бундан ўттиз йил илгари бу ерда атиги 30 киши ишларди. Айни «Қувамебель» ҳиссадорлик жамоаси республика саноатида забардаст жамоалардан бири ҳисобланади.***

***Бугунги кунда қувалик мебелсозларнинг довруғи мамлакатимиз сарҳадларидан йироқларда ҳам яхши маълум. Шу боис бўлса керак, Қуванинг қадимий номи билан аталувчи «Қайқубот» кўчасида Тожикистон, Қирғизистон ва ҳатто Қозоғистон Республикасидан келган юк машиналарини бот-бот учратасиз. Уларнинг соҳиблари бу ерга Қува мебелига орзуманд иштиёқманд сифатида ташриф буюрганлар.***

***Гарчи ойнаи жаҳонда кунора Қуванинг кўзни қамаштирувчи ял-ял стол-стуллари, хонтахталари, девор шкафлари, келин-куёвлар учун хобхона анжом-ашёлари намойиш этилаётган бўлса-да, уларни нафақат Фарғона водийсидаги ихтисослаштирилган савдо дўконларидан, балки бутун республикамиздан излаб тополмайсиз. Бунинг сири нимада? Биз мамлакатимиз енгил саноатининг ана шу йирик ва етакчи корхонаси раҳбарлари ва усталари билан суҳбатлашиб, мазкур саволга жавоб топишга ҳаракат қилдик.***

**Мусожон ИСМОИЛОВ, «Қувамебель» ҳиссадорлик жамоаси бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати:**

— Келгуси йили корхонамиз фаолият кўрсата бошланганига ўттиз йил тўлади. Дастлабки пайтларда бу ерда салкам ўттиз кишилик кичик жамоа кучи билан ёстиқли диванлар, икки табақали шкафлар ва сўрилар ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирги кунда бирлашмамизда 50 турдан зиёд мебель маҳсулотлари, ҳар хил уй анжомлари тайёрланмоқда. Ишчи-хизматчиларимизнинг сони эса 1200 нафардан ортиқдир. Улар маҳсулот миқдорига эмас, биринчи навбатда унинг сифатига эътибор бериб, халқимизнинг дидига мос келадиган, замон талабларига тўла жавоб берадиган мебеллар туркумини ишлаб чиқармоқдалар.

Агар ишлаб чиқариш жараёнлари такомиллашган, тайёрланаётган маҳсулот бозори чаққон бўлса, иш ўз-ўзидан юришиб кетаверар экан. Ўтган йили фабрикамиз вилоятда биринчилардан бўлиб ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, ҳар бирининг қиймати 200 сўмлик 25 минг 663 дона акция чиқарилганди. Режага кўра, бу акцияларнинг 64 фоизи корхона ишчи-хизматчиларига ва меҳнат фахрийларига тарқатилди. 31 фоизини «Ўзбекмебель» давлат акционерлик бирлашмаси харид қилди. 5 фоизи эса вилоят мулк қўмитаси орқали очиқ сотувга қўйилди.

Ўшанда бу янгиликка кўпчилик ҳадиксираб қараган эди. «Асосий хом ашёни етказиб берувчи Россия билан иқтисодий муносабатлар узилиб ётибди-ю, булар акция чиқариб нимани исботламоқчи?» деганлар ҳам бўлди. Лекин янгича иқтисодий сиёсат ўз самарасини берди. 15 тадан акция сотиб олган 715 нафар ишчи-хизматчининг ҳар бири 6 ойдаёқ 5200 сўмдан дивиденд, яъни улуш пули олди. Бошқача айтганда, шунча акция учун 3000 сўм сарфлаган кишининг ҳамёнига қўшимча 5200 сўм тушди. Ҳаражат эса ярим йилда қопланибгина қолмасдан, яъни 2200 сўм фойда ҳам қўлга киритилди.



Фақат шугина эмас, ўтган йили корхона аҳли жами 58 миллион 153 минг сўм даромад олди. Унинг 19 миллион сўми соф фойдадир. Якунда эса 16 минг 681 дона акция сотиб олган 715 нафар ишчи-хизматчига 8 миллион сўмдан кўпроқ дивиденд тарқатилди. Бу акциядорларимизнинг йиллик улуш пули 12 минг 364 сўмданга тўғри келганини кўрсатади. Улар, шунингдек, йил мобайнида шунча миқдорда маош ҳам олишди.

**Иброҳимжон ИКРОМОВ, мебелсоз уста:**

— Мен ўз касбимдан фахрланаман. Салкам ўттиз йилдирки, шу корхонада меҳнат қилиб келаяпман. Ўғлим Набижон ҳам изимдан бориб, иқтидорли мебелсоз бўлиб етишди. Иккаламиз 30 та акция сотиб олган эдик. Куни кеча ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, бу акциялар эвазига 25 минг сўм улуш пули олибмиз. Ҳозир ўғлимни уйлантириш тараддудида юрибман.

**Абдураҳмон ТУРҒУНОВ, курси ва стол-стуллар цехининг силлиқловчиси:**



— Турли маросимлар, тўй-тўйчиқларда бўлганимда, кўпинча корхонамизда тайёрланган стол-стулларга кўзим тушиб қолади. Уларнинг аксарият қисмини ўғлим Бахтиёржон билан силлиқлаб,пардоз берганмиз. Инсон учун ўз меҳнати мевасидан баҳраманд бўлиш, фахрланиш туйғусидан юксакроқ бахт бўлмаса керак. 27 йилдан буён шу корхонада ишлаяпман. Лекин ҳеч қачон ҳозиргидек одам меҳнати қадрланиб, ҳунари эъзозланганини кўрмаганман. Оиламиз хазинасига қўшимча 25 минг сўмга яқин маблағ тушган экан, бу акционерлик жамиятининг шарофати, корхона раҳбарларининг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги натижасидир, албатта.

**Абдулбоқи РАҲМОНОВ, деталларга пардоз бериш бригадасининг бошлиғи:**

— Корхонамиз кўз ўнгимда қад ростлаб, ўзбек мебелсозлигининг йирик ўчоғига айланди. Бу ҳақда ҳар гал ўйлаганимда, фахрланиб кетаман. Ўғлим Равшанбойнинг қалби ҳам шундай туйғу билан мунаввар. Негаки, биз ёнма-ён ишлаймиз.

Корхонанинг кекса ишчиси сифатида менга акцияларнинг бир қисмини имтиёзли тарзда беришган. Лекин мени қувонтирган нарса бошқа. Акцияларимга фарзандларим, невара-чевараларим ҳам бемалол эгалик қилишлари мумкин экан. Қолаверса, бундан юз йил кейин ҳам Қува мебели нафақат Марказий Осиёда, балки бутун дунёда довруғ солишига ишончим комил. Ўшанда ўз улушини олган авлодларим менинг ҳақимга дуо қилишлари шак-шубҳасиздир.

Суҳбатдошларимизнинг гапларидан аён бўлдики, корхонада мебелсозларнинг ўзига хос сулоласи камол топаяпти. Масалан, бу ерда Шокировлар насабидан беш киши меҳнат қилади. Уларнинг дивидентлари 60 минг сўмдан ошди. Бош энергетик Ҳошимжон Мадалиев турмуш ўртоғи Юлдузхон, ўғли Ҳурсандбеклар билан 9000 сўмлик акция харид қилган эди. Улар 37 минг сўм фойда олишди. Бу янгича ишлаш, иқтисодий фикрлашнинг самараси эмасми?!

Қисқаси, иқтисодий қийинчиликларга қарамай, мазкур корхона юксалишнинг ойдин йўлига чиқиб олди. Шу йилнинг дастлабки чорагида 50 миллион сўмлик мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарилгани, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 15 миллион сўм кўплиги, яъни ўсиш 45 фоизни ташкил этгани фикримизнинг яққол далилидир. Устига устак, Қува мебелсозлари ҳар бир акциясининг қиймати 200 сўмдан 700 сўмга кўтарилди. Авваллари акция сотиб олишга чўчиб қараган айрим кишилар эса тилларини тишлаб қолдилар.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи»нинг ўз мухбири.**

## ФОТОНИГОҲ







***Қўзи Тўлаков номли жамоа хўжалиги деҳқонлари Ангор туманида биринчилардан бўлиб чигит қадашга киришдилар.***

***Бу жамоа хўжалигида 340 гектар майдонга чигит экиш кўзда тутилган. Шу мақсадда бугунги кунда далаларда тўртта сеялка унум билан ишлатиляпти. Деҳқонлар 7 апрелга қадар барча майдонларга «Наманган—77» навли пахта чигитини экиш ишларини якунлашни режалаштиряптилар.***

***Суратларда: далаларда иш қизғин.***

**И. Хўжаев (ЎзА) олган сурат.**

• *«Ўзбекистон — Ватаним маним»*

# ҚЎШИҚ — ЮРТГА МУҲАББАТНИНГ СЎЗБОШИСИ

***—Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуидаги қўшиқлар кўрик-танлови ўтказиш тўғрисида»ги қарорини мен ҳам мамнунлик билан кутиб олдим.***

Бу қарор ватанпарварликка ундовчи янги қўшиқлар яратилишига замин ҳозирламоқда. Бир неча ўн кунлардан бери республикамизнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида ана шу мавзуида қўшиқлар кўрик-танловлари бўлиб ўтаётганлигини, ўнлаб ғолиблар аниқланаётганлигини матбуот орқали ўқиб, эшитиб турибмиз.

Киши руҳига кўтаринкилик бағишловчи қўшиқларни тинглаганингда юрагингнинг туб-тубида асраб юрган ватанга бўлган меҳр-муҳаббат мавжланади. Шунда мустақиллик қанчалик улуғ неъмат эканлигини англай бошлайсан.

Ҳар бир юртнинг баҳодири, ҳар бир қалъанинг девори бўлади. Аслида маънавияти бой, Ватанга муҳаббати бекиёс бўлган кишиларгина шижоатли шу юрт учун жонини ҳам беришга тайёр турадилар.

Ватан шунчалар муқаддас, шунчалар азизки, у ҳақда битилган қанча-қанча шеърлар севиб куйланиб келинган қўшиқларнинг барчаси ватанимизга мадҳиянинг сўз бошисидир. Уни қанчалик улуғласак ҳам оз.

Мен ўтган йили Сурхондарё вилоятига хизмат бурчини ўтаётган ўғлимни кўриш учун боргандим. Солдат йигитларимиз ўзбекча ҳарбий қўшиқларни куйлайдиган бўлишяпти. Бу ҳар бир кишини фахрлантиради. Собиқ иттифоқ даврида маънавиятимизда кемтиклик пайдо бўлганди. Шу бўшлиқни тўлдириш учун маънавиятимизни бойитишимиз керак. Бу қўшиқлар кўрик-танлови ана шундай улуғ ишга хизмат қилади.

**Аминбой МАТЁҚУБОВ,**
**Хоразм вилояти, Боғот тумани, пенсионер.**

# ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙДИ

***Бу ҳаёт ҳақиқатини фашизм устидан қозонилган Буюк ғалабанинг 50-йиллигига бағишлаб чоп этилган 33 жилдлик «Хотира» китоблари ҳам тўлиқ тасдиқлайди. Бу китобларда иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган тўрт юз минг жангчимизнинг ҳар бирининг сўнгги қисмати ҳақида алоҳида-алоҳида маълумот берилган. Шу орқали марду майдонларимизнинг нурли хотиралари, азиз номлари абадийлаштирилган.***

1941—1945 йилларда Ўзбекистондан бир ярим миллион жангчи фронтга юборилди. Улар босқинчиларга қарши мардона жанг қилиб, ўзларининг ватанпарварлик бурчларини шараф билан адо этдилар. Ана шунинг учун ҳам 170 мингдан ортиқ ўзбекистонлик жангчи ва зобит орден ва медаллар билан тақдирланди. 391 баҳодир эса Қаҳрамон унвонини олишга муяссар бўлди.

Буюк ғалабага албатта, осонлик билан эришилган эмас, у мислсиз қийинчиликларни енгиш, беҳисоб қурбонлар бериш эвазига қўлга киритилган. Зеро, шоир Умарий ёзганидек,

***Ғалабанинг ўзи келмайди,***
***дўстим,***
***Жон олиб, жон бериб***
***оласан уни.***
***Тер тўкиб меҳнатда, қон***
***ютиб жангда,***
***Қалбингга ишқ каби***
***соласан уни.***

Ҳақиқатан ҳам, юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистонимизда бирон хонадон йўқки, машъум уруш жабрини кўрмаган бўлсин. Шу уруш туфайли қанчадан-қанча норасида гўдаклар етим, муштипар оналар бева, сулув келинчаклар бефарзанд қолишди. Орадан ярим аср вақт ўтган бўлса-да, бу урушнинг асорати жабрдийда кўнгилларда ҳамон сезилиб туради.

Очиғини айтганда, юртдошларимиздан қарийб 500 минг аскар фронтдан қайтмади: жангда ҳалок бўлди, бедарак йўқолди. Ўзларининг ҳаётлари эвазига мамлакат шон-шарафини сақлаб қолган ва жаҳонни фашизм асоратидан қутқарган бу асл инсонлар хотирасини ҳар қанча улуғласак, ҳар қанча ардоқласак, шунчалик камлик қилади. Ўзбекистон Республикаси «Хотира» китоби таҳририят кенгаши томонидан тезкорлик ва ҳозиржавоблик билан тайёрланган мазкур нашр эса ана шу ўта савобли ишга — урушда шаҳид бўлган аскарларимиз номини улуғлашга, абадийлаштиришга бевосита хизмат қилиши билан ғоят аҳамиятлидир.

Жуда катта меҳнат ва машаққатли изланишлар натижасида бунёд этилган бу маънавий обидани Ватан ва халқ учун жон фидо қилган жангчиларнинг хотирасига ўрнатилган ўзига хос муқаддас ҳайкал дейиш мумкин.

Ёдномада жангларда шаҳид бўлган ёки бедарак йўқолган аскарлар тақдири ҳақида берилган маълумотлар қанчалик нохуш ва қайғули бўлмасин, бу маълумотларни урушга кетган жангчиларнинг ота-оналари, оға-инилари, опа-сингиллари, ёру биродарлари, уруғ-аймоқлари, ҳамюртлари ярим асрдан бери билишга муштоқ ва интизор эдилар. Зеро, ёднома маълумотлари уларга таскин ва тасалли беради, дардли юракларга малҳам-даво бўлади. Буни қарнаблик (Самарқанд вилояти) 86 ёшли Бибиражаб момо Махсумованинг қуйидаги дил сўзларидан ҳам сезса бўлади: «Менинг бешта навқирон, паҳлавон укаларим ёвга қарши жангга кетган эди. Онам уларнинг эсон-омон уйга қайтишини кўп йиллар интизорлик билан кутди. Лекин ўғилларининг сўнгги қисматини билолмай зор-зор йиғлаб дунёдан ўтди. Мен эса укаларимнинг дарагини «Хотира» китобларидан билиб олдим. Кўнглим таскин топди. Худога шукурки, укаларим халқимиз, оиламиз шаънига доғ туширмапти. Юрт олдидаги ўз бурчини ҳалол оқлабди. «Хотира» китобларини яратганлар омон бўлсин. Асло уруш бўлмасин, урушнинг оти ўчсин».

Қаранг, қандай даҳшат! Оддий бир ўзбек оиласидан бешта паҳлавон йигит жангга кетган ва бешови ҳам урушда жон фидо қилган. «Хотира» китобларида бундай далиллар кўп

«Хотира» китобларининг 32 та жилдида берилган маълумотлар ёдноманинг сўнгги — 33-жилдида умумлаштирилган, янги-янги материаллар билан бойитилган ҳамда улардан ватанпарвар халқимизнинг жангдаги жасоратига доир, жонажон Ўзбекистонимизнинг Буюк ғалабага қўшган муносиб улушига доир тегишли ва зарур хулосалар чиқарилган. Ана шунинг учун ҳам «Хотира» китобларининг мазкур мажмуа жилди қомус (энциклопедия) характерига эга.

Мажмуа Ўзбекистон Республикаси Президентининг сўзлари билан очилади. И. А. Каримов ота-боболаримизнинг фронт ва фронт орқасидаги жасоратига юксак баҳо бериб, «Осмонимиз мусаффо бўлиши ва шу ёруғ кунларга етиб келишимиз учун кўксини қалқон, азиз жонини фидо қилганлар ёди халқ хотирасида абадийдир», — деб таъкидлаган.

Мажмуада, «кириш сўз» сифатида Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси Кенгашининг раиси Бектош Раҳимовнинг «Жаҳоншумул тарихий ғалаба» номли мазмундор мақоласи берилган. Ўзбекистоннинг уруш давридаги шонли тарихини ёритишда ва унинг Буюк ғалабага қўшган ҳиссасини кўрсатишда асосий эътибор халқ ҳаётини, халқ жасоратини, халқ қаҳрамонлигини намойиш этишга қаратилган. Натижада ёдномада ўзбек халқининг ватанпарварлигини, мардлигини, инсонпарварлигини, дўстга содиқлигини, унинг уруш даврининг барча қийинчиликларини, ҳамма муаммоларини ақл-идрок билан енганлигини аниқ далиллар асосида очиб беришга муваффақ бўлинган.

Худди шунингдек, мажмуада шинель кийган ўзбек қиз-жувонларининг жангдаги ва ҳарбий госпиталлардаги ибратли ишлари самимият билан эслатилган. Снайперчи Зебо Ғаниева, пулемётчи Раҳима, шифокор ҳамшира Мавжуда Самадова, ҳарбий врач Анвара Муҳаррамова, машҳур санъаткорлар Тамарахоним, Гавҳархоним ва бошқа марду майдон аёллар ҳақидаги хотиралар бунинг жонли далилидир.

Шуниси муҳимки, ёдномада Ўзбекистоннинг уруш давридаги ҳаётини баён этишда байналмилалчилик тамойилларига қатъий риоя қилинган. Бинобарин, «Хотира» китоблари халқлар дўстлиги ва биродарлиги руҳи билан суғорилган.

Мажмуанинг яна бир муҳим фазилати шундаки, унда жанггоҳлардаги жанговар ҳаёт билан бир қаторда фронт орқасидаги тинч ҳаёт ҳам ҳаққоний акс этган.

Қисқаси, ҳеч ким, ҳеч ҳачон унутилмайди, ҳамма ўз хизматига яраша баҳоланади, деган тамойил «Хотира» китобларининг мағзига сингиб кетган. Шунинг учун ҳам бу китобларда ўша жанговар давр руҳи уфуриб туради.

Шундай қилиб, «Хотира» китобларда катта тарих, аччиқ ҳаёт ҳақиқати тикланган. Бу тарихни ҳозирги ёшлар ҳам, келажак авлодлар ҳам чуқур билишлари керак. Шундагина улар фашизм устидан қозонилган буюк тарихий ғалаба қанчадан-қанча қурбонлар ҳисобига бунёд этилганига қатъий ишонч ва қаноат ҳосил қилиб, тинч ҳаётнинг қадрига етадиган бўладилар. Демак, «Хотира» китоблари марҳум жангчилар руҳини шод қилиш билан бирга, замондошларимиз, хусусан, ёш авлоди ва келгуси насллари эзгулик руҳида тарбиялашга кўмаклашади. Бу китобларнинг муҳим маърифий-тарбиявий ва сиёсий аҳамияти ҳам аввало ана шунда.

Тўғри, «Хотира» китобларида айрим нуқсонлар, баъзи ноаниқликлар ва таҳрирталаб жумлалар ҳам учрайди. Китобларда айрим жангчиларнинг фронтга жўнатилган вақтини қайд қилиш билангина чекланилган. Ҳолбуки, уларнинг қаерда жанг қилгани, қачон ҳалок бўлган ва қаерда дафн этилгани ҳақида аниқ маълумотлар берилса, «Хотир китобларининг қиммати, аҳамияти янада ортган бўлар эди.

Юртдошларимиздан «Хотира» китобларига номи кирмай қолган шаҳидлар ва бедарак йўқолганлар ҳам бор. Мажмуа сўнггида «Қидирув давом этади» деб бежиз ёзилмаган, албатта.

«Хотира» китобларининг яратилиши мустақил Ўзбекистон Республикаси маданий ҳаётида унутилмас тарихий воқеадир. «Хотира» китобларида шу вақтгача собиқ СССРнинг ҳеч бир республикасида қилинмаган, лекин аллақачонлар қилиниши зарур бўлган ғоят катта, ғоят савобли ишга қўл урилган ва бу қийин, сермашаққат ҳамда шарафли иш муваффақият билан бажарилган. Бу хил ёдномаларни яратиш Ўзбекистонда биринчи тажриба бўлса-да, у ўз олдига қўйилган эзгу мақсадга эришган. Бинобарин, «Хотира» китоблари миллий қадриятларимизни, миллий урф-одатларимизни мустаҳкамлашга, ёш авлодни ота-боболарнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялашга самарали хизмат қилади.

**Сайдулла МИРЗАЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.**


# ЎЗСАНОАТ-ҚУРИЛИШБАНК ОМОНАТЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Ўзсаноатқурилишбанк кредит ресурслари бозорида вужудга келган вазиятдан келиб чиқиб, банк омонатчиларига маълум қиладики, 1996 йил 3 апрелдан эътиборан аҳоли жамғармалари бўйича қуйидаги фоиз ставкалари белгиланади:**

*«Талаб қилиб олинадиган» жамғармалар — 35%*

*Муддатли жамғармалар:*

*1 йилдан 3 йилгача — йилликнинг 50%*

*Болалар учун мақсадли жамғармалар — йилликнинг 100%*

*Қисқа муддатли депозит жамғармалар:*

*3 ойлик муддатга — 25%*

*6 ойлик муддатга — 50%*

*«Афзал» жамғармаси — ойига 7%*

**Илгари қўйилган жамғармалар бўйича (3 ойлик, 6 ойлик, «Афзал» жамғармаси ва 3 йилдан ортиқ муддатли жамғармалар) фоиз ставкалари, жамғарма шартларига мувофиқ унинг амал қилиш муддати тўлгунча сақланади.**


• *Кўргазма*

# МЎЙҚАЛАМ АКС ЭТТИРГАН ҲАЁТ

***Республика халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциациясида истеъдодли ёш рассом Жўра Асроннинг «Ўзбекистон — Ватаним маним» ҳамда «Ўлкамда Наврўз» мавзусидаги шахсий кўргазмаси очилди.***

Кўргазмада намойиш этилаётган тасвирий санъат намуналарида Жўра Асрон ҳаётни ўзига хос нозик дид, ҳис-туйғу билан кузатувчанлиги боис, бизнинг назаримизда оддийдек, бўлиб туюлган ҳаёт ва табиатдаги гўзалликларга гўё жон ато этган. Рассом асарлари билан танишган кишида фақат бизнинг жонажон Ватанимиз табиатига хос бўлган унинг еру-осмони, шарқираб оқувчи сувлари, шовуллаган мевали боғлари гўзаллигини, шу маконда истиқомат қилаётган инсонларга нисбатан меҳр-муҳаббат, ҳис-туйғулари уйғонади.

Кўргазмадан Нарўзи олам мавзуси ҳам кенг ўрин олган. Полотноларда акс эттирилган баҳор даракчиси гуллаган бодомзорлар, куртак ёзган дов-дарахтлар киши димоғига баҳор нафасини уфуриб тургандай гўё.

«Қизилбулоқда баҳор», «Шоҳимардон», «Чакатамор манзараси» каби асарларида Ватанимизнинг бетакрор табиий манзаралари, одамлар яшаб истиқомат қилаётган чекка қишлоқлардаги ҳаёт кўринишлари акс этган бўлса, «Ҳовли», «Ҳовуз бўйидаги уйлар», «Тегирмон» каби оддий мавзудаги суратларда ўзбек миллий турмушининг қирралари санъаткорлик, чуқур кузатувчанлик маҳсули сифатида мухлисларни ўзига ром этади.

Мусаввирнинг ижод намуналарида одамлар руҳиятини тасвирлаш, инсон ички кечинмаларини акс эттириш мавзуси ҳам кенг ўрин олган. Унинг мўйқаламига мансуб бўлган «Она», «Хаёл», «Муножот», «Ч. Аҳмаров» каби портрет жанридаги асарлари томошабинларга маънавий озуқа бахш этмоқда.

Ёш ижодкорнинг асарлари кўргазмасига келган мухлисларидан бири шоира Турсуной Содиқова ўз таассуротларини гапириб берди.

— Жўра Асронни биз оддийгина қилиб Равшан деб атаймиз. Бу исмни унга мухлислари беришган. Чунки у табиатан оққўнгил, ҳамма билан самимий, очиқ-ойдин гаплашадиган кўнгли равшан йигит. Бу, айниқса, мўйқалам соҳиби учун жуда муҳим. Муҳимлиги шундаки, нимани ҳис этса, кўнглида борини полотнога туширишга ҳаракат қилади. Шу орқали мухлислар қалбига йўл топади. Кўргазмага қўйилган «Она» портретини олинг. У менда катта таассурот қолдирди. Унинг юзларидаги ажинлар қатлами, кўзларидаги фақат оналарга хос бўлган меҳр жилоларининг акс эттирилганлигини қаранг. Оналаримизнинг рамзий қиёфасини эслатади.

Ихлосмандлар орасида рассом ижодига муносабат билдирувчилар оз эмас эди. Бу бежиз эмас. Жўра Асрон ёш ижодкор бўлишига қарамай 1987 йилда Тошкент театр-рассомлик олий ўқув юртининг ранг-тасвир бўлимини битиргандан кейинги ўтган қисқа вақт мобайнида жаҳоннинг ўндан ортиқ мамлакатларида асарларининг шахсий кўргазмаларини намойиш этди. Жумладан, Америка, Германия, Италия, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Швейцария, Австралия каби мамлакатларда «Уйғониш»,-«Куз», «Хивада тонг», «Сурхондарёлик кампир», «Нон» каби асарлари чет эллик тасвирий санъат мухлислари томонидан юқори баҳо олди. Кўпгина асарлари харид қилинди.

Жўра Асроннинг ушбу кўргазмасига келганлар тасвирий санъатнинг яна бир истеъдодли ижодкори етишиб чиқаётганлигининг гувоҳи бўлишди. Бундай кўргазмалар кишиларда ҳур Ватанимизга меҳр, инсонларга нисбатан муҳаббат ҳисларини уйғотишига шубҳа йўқ.

**Ю. БЕКМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





# СТЕВИА: ҲАМ ШАКАР, ҲАМ ШИФОБАХШ ДОРИ

**Асл ватани Парагвай бўлган стевиа ўсимлигининг Украинадан юртимизга келтирилиб, иқлимлаштиришга киришилганига ўн йил бўлди.**

ШУ ЙИЛЛАР давомида ўтказилган тадқиқотлар стевиани мамлакатимизда етиштириш ҳам озиқ-овқат саноати, ҳам тиббиёт соҳасида жуда фойдали эканлигини исботлади. Унинг қуритилган баргидан кукун, паста ва суюқ ҳолдаги ширин модда — стевиазид олиниб, шакар ўрнида ишлатиш орқали мева шарбатлари, турли ширин ичимликлар тайёрланади, қандолатчилик маҳсулотлари ва ҳар хил зираворлар ишлаб чиқарилади.

Стевиазид моддасини тиббиётда қўллаш яхши самаралар бериши аниқланди. Чунончи, қандли диабет ҳасталигига чалинган беморларни даволашда шу вақтгача қўллаб келинган ксилит ва сорбит дорилари киши аъзоларига салбий таъсир этиши ҳам мумкин бўлса, стевиазид мутлақо беғубордир. Украина, Япония, Америка, шунингдек Ўзбекистонда ўтказилган тадқиқотлар натижаси унинг инсон организмига зарарсиз эканлигини кўрсатди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, бир гектар ерга экилган стевиа ўсимлиги ўн гектар майдондаги лавлагидан олинадиган қанд моддасига тенг миқдорда, стевиазид беради. Бундан ташқари стевиазид қанд лавлаги таркибидаги қанд моддасига нисбатан 300 баробаргача ширинлир. Унинг яна бир афзал хусусияти шундаки, стевиа беш йиллик ўсимлик бўлиб, яхши парвариш қилинса, бир мавсумнинг ўзида 2-3 марта ҳосил олиш мумкин.

«Сигма» журнали эълон қилган маълумотларга қараганда, бир грамм тоза (95 фоиз) стевиазид моддасининг жаҳон бозоридаги нархи 131,9, 100 грамм қуритилган барги эса 22,05 АҚШ долларига тенг экан. Кўриниб турибдики, Ўзбекистонда бу ўсимликни етиштириш яхши йўлга қўйилса, уни экспорт қилиш орқали катта иқтисодий самара кўриш мумкин. Шу боис ҳозир Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё ва бошқа вилоятларда стевиа етиштириш тажриба тариқасида йўлга қўйилди. Яқин келажакда пахта, буғдой, шоли каби стевиа ўсимлиги ҳам мамлакатимизда энг кўп етиштириладиган экинлар каторидан жой олса, ажаб эмас.

***Суратларда: Тошкент вилоятида «Уструшона» ўқув-ишлаб чиқариш-тижорат маркази раҳбари Мавлуда Жумаева (ўнгда) марказ ходими Абдували Исамуҳамедов ва Ўғилой Фахриддинова билан стевиа ниҳолларни ҳолатини кўздан кечирмоқда; стевиа кўчатларини ўтказиш.***

**Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**


# "АЗИЯ ОИЛ-ЭКОГЕОТ" БИРЛАШМАСИ

**пул ўтказиш йўли билан** ***юқори сифатли ВЕ-95 (Финляндия маҳсулоти) А-76 (Қозоғистон Респ. маҳсулоти) маркали бензинларни чекланмаган миқдорда сотади.***




**Ёқилғи қуйиш ва маҳсулотингизни сақлаб бериш хизмати ҳам кўрсатилади.**

***Шунингдек, юк ва енгил автомобиллар учун баллонлар, аккумуляторлар харид қилишингиз мумкин.***



**Ҳурматли тадбиркорлар, хусусий ЁҚШ лари бошлиқлари, фурсат ва омадни қўлдан бой бермай десангиз биз билан ҳамкорлик қилинг!**

Манзил:
Тошкент ш., Пушкин кўчаси-59,
"Средазцветмет" институти биноси, 1 қават.
Тел.: 68-56-41, 68-16-41, 36-00-45.

